Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 136 (7. 225) 1990 йил 16 июнь, шанба Баҳоси 3 тийин

Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳамкорлиги

Қозоғистон ССР Президенти, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Н. А. Назарбоев 15 июнь куни Тошкентда бўлди.

У Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов билан суҳбатлашди. Икки қардош республика ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга тааллуқли кўп масалалар кўриб чиқилди.

Суҳбатдошлар яқинда бўлиб ўтган Қозоғистон Компартияси XVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди якунлари тўғрисида, КПСС XXVIII съездига тайёргарлик қандай бораётганлиги ҳақида бир-бирларига ахборот бердилар. Компартиялар ўртасидаги муносабатлар партиявий ўртоқлик ва қардошлик принциплари асосида ривожланиб, мустаҳкамланиб бораётганлиги таъкидланди. Қозоғистон ва Ўзбекистон коммунистлари ўз анжуманларида жумҳуриятларнинг чинакам сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашга, жамиятни жипслаштирувчи, уни миллий ва ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатдан янги марраларига олиб чиқишга қодир бўлган куч сифатида ҳаракат қилаётган ўз партиялари мустаҳкамлашга қаратилган йўлларни ва амалий ҳаракатларни белгилаб олдилар. Улар КПССни парчалаб юборишга ҳар қандай уринишларга қарши чиқмоқдалар, партиянинг ташкилий ва ғоявий бирлигини ҳимоя қилмоқдалар.

Суҳбатда қайта қуришнинг долзарб муаммоларига, хусусан бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларига катта аҳамият берилди. Шу муносабат билан бозор иқтисодиёти сари фақат умумхалқ қўллаб-қувватлаган ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари билан бориш кераклиги, юз бераётган ижтимоий-иқтисодий вазият, қўшни республикаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши таъкидланди.

Н. А. Назарбоев билан И. А. Каримов Қозоғистон ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги тарихий таркиб топган яхши қўшничилик муносабатлари бундан буён ҳам дўстлик ва қардошлик асосида мустаҳкамланиб, ривожланиб бораверади, деб ишонч билдирдилар.

Н. А. Назарбоев Ўзбекистон пойтахтида бўлган вақтида В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйди.

(ЎзТАГ).



«Малика»нинг чевари

ОМАДИ келган одамнинг ҳатто хўрози ҳам тухум қиларкан. Шу маънода олганда Шарифжонга ҳам кеча бахт кулиб боқди. У анчадан бери ўзига қуйиб қўйгандек келадиган спорт формаси кийими харид қилишни ўйлардию, лекин ҳеч дидига ва қадди-қоматига мосини тополмай хуноб бўлиб юрарди. Буни қарангки, уйларининг олдида очилган янги магазинга кирса пештахтга харидорлар билан гавжум. Бориб қараса ўша ўзи қидириб юрган костюм.

Ҳар эҳтимолга қарши сотувчи қиздан:

— Синглим, чет элникими ёки ўзимизникими, — деб сўраган эди, сотувчи қиз ҳам шўхроқ экан:

— Узумни енгу боғини суриштирманг, акажон. Бу кийимни олмасангиз армонда қоласиз. Айтинг, қанақа рангидан ўраб берай, — деб қолди.

Шарифжон билдики, либоснинг бозори чаққон. Узоқ ўйлаб ўтирмасдан ўзига маъқулини танлади. У гарчи чет элдан келтирилмаган бўлса-да сифат ва бичими жиҳатидан асло хорижникидан қолишмасди...

Ҳа, шаҳримиздаги «Малика» трикотаж ншлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган маҳсулотларга талаб кун сайин ошиб боряпти. Бу аввало бирлашма ншчиларининг ўз касбларига бўлган меҳр-муҳаббатлари, маҳсулот сифатини ўйлашлари, топширилган ишга масъулият ҳисси билан ёндошишлари туфайлидир. Ушбу суратдаги чеваримиз ҳам шундай фазилатлар эгасидир. Мамлакатнинг ушбу корхонага ишга келганига олти йилдан ошди. «Меҳнат қилган элда азиз» деганларидек, у шу вақт ичида куйди-пишдилиги, ўз ишига масъулият билан ёндошиши туфайли ҳамкасабалари ўртасида муносиб обрў-эътиборга сазовор бўлди. Унинг бир ўзи 6 та дастгоҳни моҳирона бошқариб, топшириқларини мунтазам ортиғи билан адо этиб келяпти.

— Халқимизда «Яхши либос — ҳуснга мос» деган яхши гап бор, — дейди Мамлакат Жамолхўжаева. — Бу гап гўё биз, чеварларга қарата айтилгандек. Чиндан ҳам халқимиз дидига мос кийим-кечаклар тайёрлашдек вазифа бизнинг зиммамизга юкланган экан уни бажариш ҳам қарз, ҳам фарз!

Бинобарин М. Жамолхўжаева ҳақ гапни айтди. Бирлашмада бўлсангиз, ншчиларнинг айни шу кунлардаги меҳнат фаолияти билан танишсангиз, бунга яққол ишонч ҳосил қиласиз. «Малика»нинг малика қизлари қўлидан чиқаётган бежирим либослар юқорида биз номини тилга олиб ўтган Шарифжон сингари талабчан харидорлар қалбига қувонч бағишламоқда. Биргина Шарифжоннинг эмас, минглаб Шарифжонлар, Шарифахонлар, Тоҳир ва Зуҳрахонлар қалбига ҳам шундай қувонч олиб кираётган бундай қизлар дарҳақиқат «Малика»да сероб.

С. БОБОЕВ.

СУРАТДА: М. Жамолхўжаева. Ҳ. Мирзакаримов сурати.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

КЕЧА Тошкент вилоят партия комитетининг катта мажлислар залида йигирма биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг иккинчи сессияси бўлди.

Сессияда ташкилий масалалар, Тошкент шаҳар Совети иш тартиби ва унинг доимий комиссиялари тўғрисидаги муваққат низом, 1990 йил 18 февралдаги маҳаллий Советларга сайловларга тайёргарлик даврида йигирма биринчи чақириқ халқ депутатлари шаҳар Совети депутатларига сайловчилардан тушган наказларни бажариш юзасидан тадбирлар режаси ва Тошкент шаҳар Советининг 1990 йилга мўлжалланган иш режалари қараб чиқилди.

Бугун сессия ўз ишини давом эттирди.

Сессия ҳақидаги ҳисобот рўзномада ёритилади.

Тошкент шаҳар Совети президиумида

13 июнь куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети президиумининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар Советининг раиси А. И. Фозилбеков олиб борди.

МУҲОКАМА этилган масалалар орасида асосийларидан бири Тошкентни ҳудудий хўжалик юритиш ва ўз-ўзини бошқаришнинг янги йўлига ўтказиш йўл-йўриқларини ишлаб чиқишнинг бориши ҳақида эди. Шаҳар халқ хўжалигини ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва ўз-ўзини бошқаришга ўтказиш йўл-йўриқларининг лойиҳаси тўғрисида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ўринбосари шаҳар план комиссиясининг раиси Б. Ғ. Йўлдошев ахборот берди. Биринчи тақдим этилаётган йўл кўпгина мутахассислар жалб этилган комиссия томонидан тайёрланган, кўп тер тўкиб қилинган меҳнатдан иборат; у 27 бобни ўз ичига олади ва ўз олдига шаҳар иқтисодиёти, маданиятини кўтариш, ижтимоий фаровонликни ошириш ва шу билан жумҳурият ва умуман бутун мамлакат куч-қудратини ошириш мақсадида табиий, иқтисодий ва ижтимоий имкониятлардан фойдаланишда меҳнат жамоалари ва барча шаҳарликлар ташаббускорлигини маҳаллий Советларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, билан уйғун тарзда бирлаштиришни таъминлашга қаратилган. Бу лойиҳа умумжумҳурият ва шаҳар манфаатларини, хўжалик механизми барча жиҳатларини бошқаришнинг турли даражаларида бир-бирига боғлаш асосида мустақил меҳнат жамоалари ва маҳаллий Советларнинг манфаатларини уйғунлаштиришни таъминловчи иқтисодий ва ижтимоий снёсатнинг асосий йўналишларини кўзда тутади.

Шу сабабли ҳам икки миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган шаҳарни хўжалик юритишнинг янги йўлига ўтказишни мураккаб иқтисодий ва ижтимоий асослашнинг бу биринчи йўли ўта пухта ишланган эмаслигига ажабланмаса ҳам бўлади. Сўзга чиққан президиум аъзолари, уларнинг деярли ҳаммаси, бир неча мартадан сўзга чиқишиб, комиссия олиб борган жуда катта ишни таъкидлашди, кўпгина бошқа масалалар бўйича мулоҳазалар ва таклифлар киритдилар. Ишнинг мураккаб томони яна шундаки, ҳали бозор иқтисодиётига ўтишни йўлга солиш бўйича кўпгина умумиттифоқ ва жумҳурият қонунлари йўқ. Аммо сўзга чиққанлар бунга қарамай кенг мутахассислар доирасини жалб этиб, ғайрат билан иш олиб бориш, токи бозор иқтисодиётига ўтишда воқеаларнинг орқасида қолмаслик керак, деб таъкидлашди.

Тошкент шаҳар Совети президиуми қабул қилган қарорда Тошкент шаҳар Совети президиумига икки ойдан кейин янгитдан муҳокамага қўйиш учун билдирилган мулоҳаза ва таклифларни, янги қонунларни, шаҳарни бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтказишни ҳисобга олган ҳолда ана шу йўлда ишни давом эттиришни таклиф қилди. Шаҳар оқшом рўзномалари газетхонларни ана шу борадаги йўлнинг ҳамма жиҳатлари ҳақида ва унинг устида қандай ишлар олиб борилаётгани тўғрисида хабардор қилиб боришни кўзда тутади. Бозор иқтисодиётига ўтишни муҳокама этишга депутатларни, етакчи олимларни, иқтисодчиларни ва бошқа мутахассисларни жалб этишга ҳаракат қилинади.

Сўнгра президиум ёшлар билан ишлаш кичик комиссиясининг раиси Ф. Насимовнинг «Ёшлик» туркум дастури ишлаб чиқилгани тўғрисидаги ахборотни тингланди. Бу туркум дастурни ошкора суратда ишлаб чиқиш, бунда жамоат ташкилотлари, шаҳар фуқароларини кенг жалб этиш зарурлиги таъкидланди. Президиум ўз қарорида Тошкент шаҳар Советининг навбатдаги сессиясида ёшлар билан ишлаш доимий комиссиясини тузиш тўғрисидаги масаласини кўриб чиқишни таклиф этди.

Тошкент шаҳар Совети президиумининг мажлисида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ким ошди савдоси

24 ИЮЛДАН Кино уйида Польша Республикасининг «Амартекс» фирмаси ким ошди савдо кўргазмасини ташкил этади. Унда ҳисоблаш машиналари, видеомагнитофон, пардоз анжомлари, шунингдек халқ истеъмоли моллари, кийим-кечак ва пойафзалларни харид қилиш мумкин.

С. АЪЗАМОВ.

Муддатидан илгари

БУГУН «Ирригаторлар» даҳасининг яна бир муҳташам биносида иссиқ ва совуқ сув қувурлари ҳамда хонанинг иситиш жиҳозларини ўрнатиш ишлари ниҳоясига етди.

Бу масъулиятли ишларни Тошкент газ ва сув қувурларини иситиш жиҳозларини ўрнатиш трестига қарашли 4-бошқармасининг Ф. Сафаев бошлиқ жамоаси муддатидан олдин бажаришди. Мазкур 107 хонадонли турар жой биносида бажарилган ишларнинг ялпи ҳажми 67 минг 190 сўмни ташкил этади.

Ф. УБАЙДУЛЛАЕВ.

Хайрли мақсад

ТОШКЕНТ мармар ншлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ўн иккинчи беш йилликнинг сўнгги йили топшириқларини муддатидан олдин бажаришга аҳд қилган.

Корхона ишчилари маҳсулот тайёрлаш ҳажмини 5 миллион 780 минг сўмга ошириш ниятида.

Ўз имкониятларини кўриб чиққан жамоа топшириққа қўшимча 270 минг сўмлик маҳсулот — 5,3 минг квадрат метр мармар, шунча гранит плиталари, шунингдек 59,1 минг сўмлик халқ истеъмоли буюмлари тайёрлайди. Бунинг учун барча имкониятлар яратилган.

Д. МУРОДОВ.

Янги уйга

БУГУН 3-уйсозлик комбинатига қарашли 2-бошқарма жамоаси бунёд этган 9 қаватли турар жой биноси ёнида уй жиҳозлари ортилган машиналар кети узилмаяпти. Бахтли хонадон соҳиблари кўчаларини ташиш билан банд. Ҳа, П. Полторацкий кўчасида, Госпитал бозори даҳаси аҳолиси бир йўла 108 хонадонга кўпайди.

Д. ОБИДОВ.

Санъаткорлар сафарга отландилар

БУГУН Муҳиддин Қориёқубов номидаги жумҳурият давлат филармониясининг «Лазги» вокал хореографик ансамбли билан биргаликда «Мўъжизасиз-мўъжизалар» цирклаштирилган жамоаси ҳам ўз ҳайвонот дунёси билан Қорақалпоғистон автоном жумҳуриятига жўнаб кетди.

Улар совет композиторларининг сўнгги вақтларда яратган рақслар гулдастасини Орол бўйи аҳолисига тараннум этишади.

ТУРКМАНИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов ўз жамоаси билан БУГУН Бухоро вилоятига йўл олди. Улар пахтакорлар, ншчилар ва чўпонлар билан қизиқарли учрашувлар ўтказиб концертлар беришади.

БУГУН «Чен-чун» корейс ансамбли пойтахт вилоят меҳнаткашлари ҳузурига отланди. Уларнинг репертуаридан ўрин олган байналмилал рақс ва қўшиқларини жумҳурият аҳли яхши билишади. Бу сафар улар ўзларининг репертуарини корейс қўшиқнавислари ва бир қатор совет мусиқашуносларининг сўнгги йилларда яратган куй, қўшиқлари билан бойитган.

БУГУН жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Ортиқ Отажонов Хоразм вилоятига жўнаб кетди. У ерда вилоят пахтакорлари, сабзавоткорлари ва ишчилар ҳузурида ўзининг нафис санъатини намойиш қилади.

БУГУН «Зарафшон» фольклор ансамбли жамоаси Зарафшон воҳасига — Самарқанд ва Навоий вилоятига сафарга чиқди. Улар пахтакорлар, чорвадорлар ва пионер лагерларида турли томошалар, рақс-қўшиқларини тараннум этишади.

Д. ОБЛАЕВ.

Дам олиш кунингиз қандай ўтяпти?



Ёз. Якшанба. Сўлим оромгоҳлар бағрида.

Т. Каримов сурат-лавҳалари.

Тонгги рўзномаларда

СССР Олий Советининг учинчи сессиясида 1990 йил 14 июнда қабул қилинган СССР Олий Советининг «Иттифоқдош ва автоном республикалар давлат ҳокимиятининг олий органларига» мурожаати эълон қилинган.

Жумҳуриятимиз рўзномаларида «КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси тўғрисида» Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг резолюцияси ҳамда КПСС Уставининг лойиҳаси юзасидан Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг резолюцияси берилган.

РСФСР Олий Советининг сессияси ҳақида расмий хабарлар, мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар эълон қилинган.

ИСТЕЪДОД ТАҚДИРЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН мусиқа жамияти томонидан ноёб қобилиятли махсус музикз мактабларн ўқувчиларига, жумҳурият, Бутуниттифоқ ва Халқаро кўрик голибларига стипендия белгиланди.

Успенский номли жумҳурият махсус мусиқа мактабининг юқори синф ўқувчиларидан У. Полвонов, С. Юденич, М. Кибардин, Э. Небольшинлар ҳар ойда 50 сўм миқдорида дастлабки стипендия ола бошладилар.

З. ДОНИЁРОВА.

МУХЛИСЛАРНИ ШОД ЭТИШДИ

АВВАЛАМБОР мухлислар лаймизки, барча футбол ишстадионга ажойиб комбинациялару чиройли голларни кўриш учун келадилар. Кечаги ўтказилган икки ўйин, ўйин кўрсатмоқдалар. Йозеф Венглошнинг тузган командаси жуда кучли чиқиб қолди. Юксак техникага эга, майдонда енгил ҳаракат қилаётган чех футболчиларининг ўйини тобора кучайиб бормоқда. Австрия билан бўлган ўйин буни яна бир карра исботлади. Учрашувнинг 29-дақиқасида Австрия ҳимоячиларн Хованецни жарима майдонида йиқитдилар, натижада у оғир жароҳат олди. 11 метрлик тўплар мутахассиси Билек кучли зарба билан дарвозани аниқ нишонга олди. Дарвозабон Линденбергер зарбанинг йўналишини тўғри топди, лекин тўп жуда кучли тепилгани учун уни қайтара олмади. Умуман, биринчиликнинг энг зўр дарвозабонларидан бири бўлган Линденбергер ушбу ўйинда жуда кўп ҳолларда маҳорат билан ўйнади. Натижада, хавфли вазиятларнинг кўп бўлишига қарамай ўйин 1:0 ҳисобида тугади.

Сўнг кучли ёмғир остида ГФР—Бирлашган Араб Амирликлари командалари беллашди. Мухлислар ушбу ўйинни сабрсизлик билан кутардилар. Чунки Югославиядай кучли терма командани йирик ҳисобда енган Ғарбий германияликлар ўйини катта қизиқиш уйғотарди. Учрашув бошланиши биланоқ араб футболчиларн дарвозаси олдида бирин-кетин хавфли вазиятлар пайдо бўла бошлади. ГФР футболчилари жуда енгиллик билан уларни вужудга келтириб, осонлик билан бой берардилар. Дастлаб Фёллер ҳеч ким халал бермагани ҳолда беш метрдан дарвозани аниқ нишонга ололмади. Аммо вақт ўтар, голдан эса дарак йўқ эди. Ниҳоят 35-дақиқада Фёллер ҳисобни очди. Икки дақиқа ўтганидан сўнг Клинсманн иккинчи тўпни киритди. Биринчи бўлим 2:0 ҳисоби билан тугади. Иккинчи бўлимда эса Фарах қўриқлаётган дарвозани Байн, Маттеус ва Фёллерлар яна уч маротаба аниқ нишонга олишди. Ягона жавоб тўпини эса Муборак киритди. Ўйин 5:1 ҳисобида тугади. Шундай қилиб, стадионга табиий ёмғир билан бирга тўплар ёмғири ҳам ёғилди. Ҳозирча 9 гол уриб, ўз дарвозаларидан икки тўп ўтказиб юборган немис футболчилари энг яхши тўплар нисбатига эгалар. 2 тадан ўйин ўтказган Италия, Камерун, ЧСФР ва ГФР футболчилари нимчорак финалга йўлланма олдилар.

Д. ИСРОИЛОВ.

ШАНБА ОҚШОМИДА

Эртага—Тиббиёт ходимлари куни



1-шаҳар шифохонасининг 2-жарроҳлик бўлими ходимларидан (чапдан-ўнгга): тиббиёт ҳамшираси Ф. Ғанниева, жарроҳ М. Мирҳамидов, жарроҳлик бўлимининг мудири У. Камолов, онизитизатор М. Шомансурова, катта тиббиёт ҳамшираси М. Муллажонова, тиббиёт ҳамширалари С. Мирсоатова ва Н. Одиловалар.

Мактаб—олийгоҳ оталиғида

Истеъдод пиллапоялари

ЁШ АВЛОДНИ гўзаллик руҳида тарбиялаш айни шу кунининг долзарб масалаларидан бири бўлиб турибди. Бундай тарбия болаларимизнинг келажакда юксак дидли инсонлар бўлиб етишишларида муҳим роль ўйнайди. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика олийгоҳи ҳам хайрли ишга қўл урган. Мана бир неча йилдирки, олийгоҳнинг бадиий-графика куллиёти рангтасвир кафедраси Фрунзе районидаги 73-ўрта мактабни ўз оталиғига олган.

Мактаб директори Лутфия Сандова ва ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Ҳуррият Иноғомхўжаевалар рангтасвир кафедрасининг етук профессор-ўқитувчиларига мактабда ўқувчилар билан ўтказиладиган ижодий учрашувларга, рассом-педагогларнинг шахсий кўргазмаларига ва тасвирий санъат фанидан ўқувчилар билан синфдан ташқари олиб бориладиган тўгарак машғулотларини ўтказиш учун тўла имконият яратиб берганлар.

Яқинда СССР Рассомлар уюшмасининг аъзоси, рангтасвир кафедрасининг ўқитувчиси Абдували Мўминовнинг ҳамда тўгарак аъзоларининг навбатдаги энг сара ижодий ишларидан иборат ҳисобот кўргазмаси намойиш этилди. Иккала кўргазма ҳам ўзининг қизиқарли мавзуларга бойлиги ва чуқур мазмунга эга эканлиги билан санъат ихлосмандларининг диққатини тортди.

Экспозициядан 6-«А» синф ўқувчиси Ф. Нуритдинованинг «Гуллар» натюрморти, 5- «Б» синф ўқувчиси Д. Собировнинг «Она» портрети, 6- «А» синф ўқувчиси К. Абдуллаевнинг «Тинчлик» каби ижодий ишлари муносиб ўрин олган. Айниқса, 5-«Б» синф ўқувчиси С. Турсуновнинг «Синглим» портрети, шу синф ўқувчиси Д. Одиловнинг «Эрта баҳор» композицияси ва ёркин рангларда ишлаган натюрмортлари кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Ушбу кўргазма муҳокамасида республика Рассомлар уюшмаси эстетик комиссияси раиси, санъатшунослик номзоди, доцент Неъмат Абдуллаев, Ўзбекистон ССР халқ рассоми, СССР Давлат мукофотининг лауреати, профессор Чингиз Аҳмаров, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор М. Набиев, тарих фанлари номзоди, доцент Наим Норқуловлар сўзга чиқиб, ўсиб келаётган ёш авлодни эстетик руҳда тарбиялашда тасвирий санъатнинг ҳозирги кундаги роли, болаларнинг қобилиятлари янада ёрқинроқ намоён бўлиши учун яратилаётган имкониятлар ҳақида гапирдилар.

Кўргазма ғолиблари республика Рассомлар уюшмасининг совғалари билан тақдирланди-лар.

Нозим ТОЛИПОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика олийгоҳи бадиий-графика куллиётининг ўқитувчиси.

● ⊙ **ИСТЕЪДОДЛИ мусаввир Рўзи Чориев номини эшитмаган киши кам бўлса керак. Унинг асарлари ҳар бир мухлисга яхши таниш. У жумҳурият болалар бадиий ижоди маркази ишида фаол иштирок этмоқда.**

СУРАТДА: бу ерга Сиэтлдан Америка даромадгири Роберт Несс (ўртада) ташриф буюрди. Рўзи Чориев уларга марказ фаолияти ҳақида ҳикоя қилиб бермоқда.

А. Кошкин сурати (ЎзТАГ).



●

Бу ҳақда Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида гапирилди

Қарз керакми, асло тортинманг

⊙ **ИККИ мингинчи йилгача ҳар бир совет оиласини алоҳида турар жой билан таъминлаш масаласи бугунги кун тартибида турган энг долзарб масалалардан биридир. Шу боисдан Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида бу соҳага муҳим эътибор қаратилди. «Уй-жой қурилишга алоҳида эътибор берилиши лозим» деб таъкидланди съездда.**

ТОШКЕНТ шаҳрида аҳоли зичлиги йилдан-йилга ошиб бораётганлиги туфайли уй-жой танқислиги ўсиб боряпти. Сўнгги пайтларда оммавий равишда уй-жойлар қуришга киришиб кетилди.

Бугунги иқтисодий янгиланиш шароитида иттифоқ омонат бисотхонаси зиммасига ниҳоятда катта масъулият юкланган. 1989 йил якунларига кўра Тошкент шаҳри омонат бисотхонаси муассасалари томонидан жами 11,1 миллион узоқ муддатли қарзлар ажратилди. 1990 йилнинг биринчи ярим йиллигида эса 9,4 миллион сўмлик қарз ажратиш мўлжалланмоқда.

Шаҳар жамғармалари бисотхонаси шахсий уй-жой қуриш учун 20 минг сўмгача узоқ муддатли қарз бериши мумкин. Бундай қарзлар 25 йил ичида, 3 фоизлик устама ҳақ билан тўланиши керак.

Бундай қарзлар Тошкент шаҳар ижроия комитетининг уй қуриш учун алоҳида жой ажратилгани хусусидаги қарорга эга бўлган шахсларга берилади.

Турар жойларни таъмирлаш ва қайтадан тиклаш учун ҳам 10 йил муддатга 3 фоиз устама ҳақ билан 3 минг сўмгача пул ажратилади.

Аҳолининг тайёр уй-жойларни сотиб олиши учун ҳам 25 йил муддатга 20 минг сўмгача қарз берилади. Пул олинганидан бир йил кейин узоқ муддатли қарз 3 фоиз устама ҳақ билан тўлана бошлайди.

Дала ҳовлилар қуриш ва боғ участкаларини ободонлаштириш учун 10 йил муддатга 5 минг сўмгача ҳажмда маблағ олиш мумкин. Уй ҳайвонлари, сигир, бузоқ, қўй-қўзи сотиб олишда ҳам жамғармалар бисотхонасидан 500 сўмгача ёрдам олиш мумкин.

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, байналмилал-ҳарбий хизматчилар учун устама ҳақсиз қарзлар ажратилади.

Шаҳримизда район ижроия комитетлари вакиллари иштирокида жамоатчилик комиссиялари аҳолининг аризаларини кўриб чиқиб, қарзлар ажратишни тартибга солиб туради.

Сўнгги йилларда жамғарма хизматидан фойдаланиш турлича давом этмоқда. Агар 1988 йилда шахсий уй-жой қуриш мақсадида жамғарма бисотхоналарига мурожаат қилувчилар сони ниҳоятда кўп бўлган бўлса, 1989—1990 йилларда бундай эҳтиёжлар кескин камайди. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор.

Бугун шаҳар корхоналари каттагина даромад жамғармасини яратиб, ижтимоий тараққиёт соҳаси ҳамда инсон омилига алоҳида аҳамият бермоқда. Меҳнат жамоаси кенгашлари СССР жамғарма бисотхоналари муассасалари билан шартнома тузиб, жамоа аъзоларига ўз маблағларидан ажратмоқдалар.

Корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари бисотхона кредитлари бўйича ишчиларнинг қарзларини корхона ҳисобидан тўлашга киришяптилар. Жамоа аъзоларининг шу муддатлари 5 йилдан зиёд бўлса, қарзнинг 10 фоизи, 10 йилдан ортиқ бўлса 30 фоизи, 15 йилдан зиёд бўлса 50 фоизгача қарзни тўлаш бу корхоналар томонидан амалда қўлланяпти.

Бундай имтиёзлардан фақатгина ўз ишига виждонан ёндошаётган, меҳнат жамоалари иқтисодий тараққиётига муносиб улуш қўшаётганларгина фойдаланиши мумкин.

Бугунги кунда уй-жой масаласи биринчи навбатдаги вазифаларга айланган бўлса-да, қурилиш материаллари таъминоти ниҳоятда ёмон аҳволда эканлиги ҳеч ким учун сир эмас. Шу ўринда планлаштирувчи ташкилотлар уй-жой қуриш дастури билан қурилиш материаллари таъминотини бир-бирига мослаштиришлари лозимлигини таъкидлаш зарур.

Ҳамшаҳарларимиз томонидан жамғармалар бисотхонаси жорий этган пул ўтказиш услубидан етарлича фойдаланилмаётганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Чеклардан фойдаланиш эвазига қурилиш маҳсулотларини харид қилиш ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Ўзбекистон ССР савдо министрлигининг махсус магазини ўрмон маҳсулотлари базасида чеклар асосида савдо қилишни кўрсатмаси бажарилишини таъминламаяпти.

Аҳоли айнан шу сабабларга кўра турли жойлардан турлича йўллар билан қурилиш материалларини олишга мажбур бўлишяпти. Бу қурилган биноларнинг ташқи эстетик қиёфаси ҳам кўнгилдагидек бўлмайди.

Ҳолбуки уй-жой масаласига ҳамма бош қўшиши лозим.

Тошкент шаҳар жамғармалар бисотхонаси бу ишга озми-кўпми ҳисса қўшяпти. У аҳолига ажратилаётган маблағларнинг қандай мақсадларда фойдаланилаётганини назорат қилиб боради.

Жамғармалар бисотхонаси хизматчилари қонунбузарчилик ҳолларига йўл қўймаслик учун ҳужжатларни изчиллик билан текшириб, аҳолига ажратилган маблағларнинг ўз вақтида қайтарилишига эришишлари лозим.

Зокир МУСАЕВ,
Тошкент шаҳар жамғарма бисотхоналари бошқармасининг бошлиғи.

САВДО БЕҒАВҒО БЎЛАРМИКИН?

...Эҳтиёж буюмлари ва керакли хизматлар билан таъминланмаган иш ҳақининг ўсиши пулнинг қадрсизланишини кучайтирмоқда. Чайқовчилик, пораҳўрлик, номатлуб (пинҳоний) иқтисодиёт кенг ёйилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси одамларнинг, айниқса кам даромадли аҳоли табақаларининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатяпти.

(Ўзбекистон Компартияси XXII съезди материалларидан).

Ҳозирги аҳвол шундай. Лекин уни қандай бартараф этиш мумкин? Аҳолини қандай қилиб зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари билан таъминласа бўлади? Бу саволлар ҳукуматимиз диққат марказида турибди. Яқинда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССР аҳолисига озиқ-овқат ва саноат моллари сотишни барқарорлаштиришга доир муваққат чоралар тўғрисида» қабул қилган қарори ана шу фикримизнинг далилидир.

«Бу қарор айни муддао бўлди, — деб ёзади Чилонзор районининг Ш. Исломов кўчасида истиқомат қилувчи меҳнат ветерани М. Муҳамедов. — Шу йилнинг 30 майидан бошлаб республика территориясида яшовчи аҳолига озиқ-овқат ва саноат моллари паспорт, хизмат гувоҳномаси, студент билети, пенсия гувоҳномаси ҳамда шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларга қараб муваққат тартибда сотиш йўлга қўйилди. Бу қарорни маҳаллада ишлаб чиқдик. Айниқса, нонни ортиқча исроф қилмасликка қаршн тадбирлар ишлаб чиқилди. Ҳозир нима кўп, тўй кўп. Тўйларимизни ниҳоятда ихчамлаштириб, тежамкор рухда ўтказишимиз керак...»

Отахоннинг гапида жон бор. Ҳозирги танқислик пайтида ўзбекона тўй қилишнинг ўзи бўлмайди. Аммо «Пул кетса ҳам обрў кетмасин» қабилида иш тутиб, ортиқча чиранишга не ҳожат?

Шаҳардаги барча маҳаллаларнинг комитетлари ана шу қарор юзасидан тўй тадбирлари режасини ишлаб чиқса ёмон бўлмайди. Эскидан «Тўйга борсанг тўйиб бор» деган нақл бор. Дарҳақиқат тўйга борган киши овқат егани ёки дастурхонга баҳо бергани бормайди. Балки у икки ёшга, тўй эгасига бахтли ҳаёт тилагани боради. Минг афсуски, ҳали биз бунга қатъий риоя қилаётганимиз йўқ. Ернинг тагидан бўлса ҳам топиб, шоҳона дастурхон тузаб, дабдабали тўйлар қиляпмиз, исрофгарчиликка йўл қўяяпмиз. Хўш, унинг исрофи кимни тутади?

«Мени кўпдан бери бир нарса ўйлантириб келади», — деб ёзади «Оқшом» муштарийси — Уйғур кўчасида истиқомат қилувчи Лола Аъзамова. — Маълумки, айни пайтда совун, порошок, шакар, қанд каби нарсалар талон билан сотиляпти. Шундай бўлгач, ҳамма ҳар ойда бир хил баб-баравар оляпти. Менимча, ҳозирда ноёб, етишмаётган моллар масалан, қуюлтирилган ширин сут, шоколадли сариёғ, печенье, хорижнинг турли консервалари, конфетларни ҳам талон орқали ойига бир марта бериб борилса, оғзи тегмаганларнинг ҳам лаби тегармиди?!

Менимча, бунда бир тош билан икки қарғани урган бўлардик. Яъни сунъий тақчиллик ва чайқовчилик анча камаярди. Масалан, магазин пештахталаридан чироқ ёқиб топиб бўлмайдиган ҳинд чойлари чайқовчиларда тўлиб-тошиб ётибди».

Бизнингча, ўринли таклиф. Бу ҳақда савдо вазирлигидаги мутасадди ўртоқлар ўйлаб, маслаҳатлашиб кўришса ёмон бўлмасди.

Чайқовчиликка қарши қанча курашмайлик, у ўтқулоқдек ўсиб чиқяпти. «Тошкент отчопарида ташкил қилинган ярмаркадаги чайқовчиларни рўзномангизда ёзганингизда ва телевизорда кўрсатганларида жуда хурсанд бўлган эдим, — деб ёзади оқшомхон Чилонзор даҳасининг 7-Б мавзесида яшовчи Ёқубжон Содиқов. — Лекин кейинги пайтда ҳеч ким чайқовчиларнинг мушугини «пишт» демай қўйди назаримда. Якшанба куни Тошкент отчопарига борган эдим. Эркаклар кўйлаги, шими ва туфлиларини 100 сўмдан ортиқ нархда, аёллар қишки этигини эса 300 сўмга «чайқашяпти». Демак, бир аёл киши этик олиш учун икки ой емай-ичмай ишлаши керак экан-да! Энг қизиғи шундаки, ушбу ноёб чет эл моллари деярли бир хил тонфадаги кишилар қўлида. Улар ҳеч қаерда ишламасса, қандай қилиб камёб моллар уларнинг қўлига тушиб қолади?».

Дўконларнинг пештахталарида керакли, зарур нарсалар бўлмаганидан кейин, сотувчиларнинг кайфияти ҳам бўлмаса керак-да. Лекин «Бир сўм пулинг бўлмаса ҳам бир оғиз ширин сўзинг бўлсин» деган гап бор. Таҳририят почта қутисига келаётган хатларда ҳамшаҳарларимиз сотувчиларнинг қўпол муомаласидан, харидор ҳақига хиёнат қилаётганликларидан, сансалорликлардан ва савдо ташкилотлари раҳбарларининг ўз қўл остидагиларга ўта эътиборсизлигидан, тўраларча муносабатлардан нолишади.

Чунончи, «Мени жуда қаттиқ ранжитдилар», — деб ёзади Улуғ Ватан уруши II-гуруҳ ногирони, Ҳамза кўчасининг 19-боши берк кўчасидаги 36-уйда яшовчи Дадахўжа Аҳроров. — Рафиқамга Беруний майдонидаги «Ветеран» магазинидан бир жуфт аёллар оёқ кийимини сотиб олмоқчи бўлдим. Мен ўзим аъзо бўлган дўкондан ҳужжатим бўла туриб аёллар пойабзалини олишга ҳаққим йўқ эмиш. Дўкон мудири ҳам илтимосимни рад этди. Унинг айтишича, Қаҳрамон оналар, жангда ҳалок бўлган жангчилар оиласи учун берилармиш. Тирик жангчилар оиласига-чи? Қани бу ерда мантиқ?»

«Не ёмон — ор-номус ёмон» дейдилар. Лекин сотувчилар орасида шундайлари борки, ор-номус, иззат-ҳурмат нималигини ҳам билишмайди.

«Навоий» кўчасидаги Октябрь озиқ-овқат идорасига қарашли 27-«Шарбатлар, яхна ичимликлар» дўкончаси сотувчисидан музқаймоқ беришни сўраган эдик, балога қолдик, — деб ўз қадрига йиғлаб ёзади ҳамшаҳарларимиз Х. Собитова билан О. Ворошилова. — Ваҳоланки, пештахтада кўргазмада эриб, ранг босиб ётган музқаймоқни алмаштириб беришни сўраган эдик, сотувчи бизни бўралаб сўкиб кетди. Ҳеч кимдан эшитмаган ҳақоратни муштдек боладан эшитдик»...

Яна шундай бир мактуб: «Шу йилнинг 12 март куни соат кеч 18.00 да ўқувчиларим билан мактабдан қайтиб келаётган эдик, — деб ёзади Ҳамза кўчасида истиқомат қилувчи М. Эсонова. Себзор даҳасидаги 11-уй олдида жойлашган дўконга кирдик. Музқаймоқ сотилаётган экан. Болалар 20 тийиндан тўлаб «мороженое» олишди. Болалар, «Ака «Мороженое» баҳоси 18 тийин, қайтимини бермайсизми?» деб сўраб қолишди. Лекин сотувчи 2 тийиндан қайтариб беришни хатто хаёлига ҳам келтирмади».

Ҳа, афсуски бундай хатлар анчагина. Буларнинг ҳаммаси ҳали савдода тартиб ва интизом бўлишлигини, айрим савдо ходимлари ҳамон совет савдоси қонунларига ҳилоф иш тутаётганлигини кўрсатади.

Тўхтамурод ТОШЕВ.

ТАҲРИРИЯТДАН: Хуллас, ҳурматли оқшомхонлар, Сиз ҳар куни кундалик харид қилганингизда савдо ходимлари билан тўқнашасиз, улар билан мулоқотда бўласиз. Умуман ҳозирги танқислик пайтида савдо ишларини қандай йўлга қўйиш, яхшилаш, ривожлантириш мумкин? Умуман савдога оид қандай таклиф ва истакларингиз бор? Шулар ҳақида ёзиб юборинг.

Яшил дорихона

ЧАЁН ЎТ

⊙ **Бу ўсимлик чаён ўт, чақонғич, газанда ўти, сўзанак, қичитқи ўт каби номлар билан юритилади. Унинг илмий номи лотинча — «урере» сўзидан, яъни «чақади» маъносидан келиб чиққан. Чақонғич — чақонғич гуллилар оиласига мансуб бўлиб, бўйи 60—120, баъзан 170 сантиметрга етадиган ўт-ўсимлик. У кўп йиллик, поясн тик ўсувчи. Гулларн майда, яшил рангли, меваси — тухумсимон, сариқкул тусли ёнғоқча.**

ЎСИМЛИК тукчалар билан қопланган. Шу тукчалар танага тегканда, ўсимлик таркибидаги чумоли кислотаси ажралиб, танани чақиб олади, қичитади. У май—сентябрь ойлари давомида гуллайди ва меваси пишиб етилади.

Ўсимлик гуллаганда барглари қўлқоп билан йиғиб олинади, сўнг сўлитилади (кунгай жойда эмас). Гиёҳ сўлиганда тукларининг чақонғичи хусусияти йўқолади. Табобатда кўпинча барги ишлатилади.

Абу Али ибн Сино ўсимликни сирка билан қўшиб боғланса, йирингли шишларни ёради ва уларга фойда беради, деб ёзган. Уруғи қўйиб боғланса, кули ҳам саратон (рак) касаллигига наф беради. Кулини туз билан қўшиб қўйилса, ит тишлашдан пайдо бўлган яраларга даво бўлади. Янчилган барги бурун қонашини тўхтатади. Унинг дамламаси, қайнатмаси, шираси меъда, жигар, сил, кўкйўтал, бод, ниқриз, турли қон оқишлар, буйрак-тош хасталикларида ишлатилган.

Халқ табобатида гиёҳ пешоб ҳайдовчи, қонни тозаловчи, шамоллашига қарши, яраларни битирувчи омил сифатида ишлатилади. Нонга гиёҳнинг барг кукуни қўшиб истъемол қилинса, ичбуруғда даво бўлади.

Гиёҳ сочни мустаҳкамлашда, соч тушишининг олдини олишда қўлланилади. Бунинг учун куритилган баргдан 1 ош қошиққа бир стакан қайноқ сувга солинади. Чой сингари дамланади. Сўнг бош териси артилади. Бу муолажани ҳар 1—2 ҳафтада қайтариб турилади ва узоқ муддат давом эттирилади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
фарғоналик доришунос.

Куюнчаклик билан ёзилган

УМИД ЧИППАККА ЧИҚМАСИН



⊙ **«СОЗАНДАЛАРГА МАЪҚУЛ ТУШАРМИКАН...» Тошкентдаги миллий мусиқа асбоблари фабрикасининг моҳир усталаридан бири Мирзаюсуф Абдиюсупов.**

Т. Каримов суратлари.

⊙ **Тошкент шаҳар телефон тармоқларининг бугунги ҳажми салкам 400 минг номерни ташкил этади. Тошкентликларга ўрнатиб берилган телефонлар сони салкам 300 мингтага етди. Бироқ телефон тушириб бериш бўйича ҳали амалга оширилмаган аризалар сони жуда кўп — 100 мингта!**

УЙЛАРНИ телефон билан таъминлашдаги бу ўткир муаммо янги автомат телефон станциялари учун бинолар етишмаётгани билан ҳам изоҳланади. Бундан ташқари бу муаммони яна чуқурлаштираётган нарса шуки, янги станциялар қуриш режалари сон бўйича ҳам, технологик жиҳозларни ўрнатиш-фойдаланишга топшириш муддатлари жиҳатидан ҳам бажарилмаяпти.

Буюртмачи — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг капитал қурилиш Бош бошқармаси ва Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармаси («Главташкентстрой»)нинг пудратчи ташкилотлари фақат йиллик топшириқларнигина эмас, балки белгиланган биноларни фойдаланишга топшириш беш йиллик режасини ҳам бир неча бор бузиб келишган.

Бунга кўплаб мисол келтириш мумкин. Аммо иккитагина мисол келтириш билан кифояланамиз. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори билан Юнусободнинг 4-10-мавзеларй учун 25-автомат телефон станцияси биноси қурилишини 1988 йилдаёқ ниҳоясига етказиш мўлжалланган эди. Бироқ бугунги кунда ҳам унинг битишига умид қилишга ҳали узоқ. Негаки фақат ҳандақ қазилган, холос.

Бошқа мисол 37-автомат телефон станцияси биносига тааллуқлидир. У 1983 йилда қуриб битказилиши керак эди. Аммо, бу беш йиллик режасига кўчиб ўтди». Мана, беш йиллик ҳам ўтиб бормоқда. Аммо бу бино ҳали-бери битишига ҳеч кимда ишонч йўқ. Айтинг-айтинг, ишқилиб, бу бино келгуси беш йиллик режасига кўчиб ўтмасин.

Қисқаси, телефон томоқларини ривожлантириш истиқболлари умидсиз бўлиб кўринаяпти. Лоҳутий кўчасидаги 38-автомат телефон станциясини фойдаланишга топширишнинг аҳволи ҳам муаммо бўлиб турибди.

Капитал қурилиш Бош бошқармаси ва Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармаси бизнинг келгусида мижозларимиз ва Тошкент шаҳар телефон тармоқлари жамоасининг тобора ошиб бораётган ташвишланишини камайтириш йўлларини топадилар ва белгиланган режаларнинг барбод бўлиш хавфига барҳам бериш учун барча ишларни қиладилар, деб умид қиламиз. Шунингдек, номи тилга олинган ташкилотлар Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг, байналмилалчи-жангчиларнинг ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг умидларини чиппакка чиқармайдилар. Ўйлаймизки, уларнинг уйларига бу йил ва келгуси йили телефон туширилади. Шуни эслатиб ўтмоқчимизки, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг юқорида тилга олиб ўтилган аҳоли табақаларига қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисидаги Фармони ҳам шуни талаб этади.

Яна шуни қўшимча қиламизки, агар бу йилги режа бажарилса, унда шаҳар қўшимча 40 минг номерга эга бўлади. Булар — Қушбеги даҳасидаги 50-автомат телефон станцияси, «Марказ—26» даҳасидаги, 49-, Гавҳар кўчасидаги 79-, Чилонзор районининг 19-мавзесидаги 16-, Қорасув даҳасидаги 66-, Кадишев автостанцияси ёнидаги 94-, 2-«Шимолий Шарқ» даҳасидаги 60-автомат телефон станцияларини фойдаланишга топшириш эвазига бўлади. 48-автомат телефон станциясини кенгайтириш ҳисобига унинг ҳажми 800 номерга кўпаяди.

В. ШТЕЙНБЕРГ,
Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи.

ШАНБА ОҚШОМИДА

Муштарийлар илтимосига кўра

ЭЗГУЛИККА ЧОРЛОВЧИ ҚЎШИҚ

⊙ Ҳурматли муҳарририят! Мен «Тошкент оқшоми» рўзномасини севиб ўқийман. Сизлардан илтимос, рўзномангиз саҳифасида ёш, истеъдодли хонанда Охунжон Мадалиев ҳақида мақола берсангиз. Унинг қўшиқларини севиб тинглаймизу, ўзи ҳақида кўп нарса билмаймиз.

Салом билан,
Ш. ИНОЯТОВА, ўқитувчи. Ҳ. АҲМЕДОВА, Фарғона.
Қ. БОМУРЗАЕВ, Нурота.

ЎТГАН йили Тошкентда ўтказилган «Камолот—89» жумҳурият танловида кўпгина ёш иқтидорли хонандалар кашф этилди. Улар турли вилоятларда яшаб ижод этаётган умидли қўшиқчилар эдилар. Шу жиҳатдан мазкур баҳснинг уюштирилиши хайрли бўлди. Эндиликда уларнинг ҳар бир қўшиғини мухлислар зориқиб кутишади. Ана шундай зориқиб кутиладиган санъаткорлардан бири, кўпчиликнинг назарига тушган Охунжон Мадалиевдир.

Бу хонанданинг қўшиқларини тинглаётиб беихтиёр тўлқинланиб кетади киши. Хаёлига турли-туман ширин ўйлар қуйилиб келаверади. Ҳис-туйғуларни аллаловчи майин овози шеърга басталанган куйга қўшилиб юракни асир этади. У ҳақда гап кетганда Ўзбекистон ССР халқ артисти Бобомурод Ҳамдамовнинг «Ёш қўшиқчилар энг аввало овозини ва одобини асрасин» деган ўгитлари бот-бот ёдимизга тушади. Бизнингча, овоз билан одобнинг соф уйғунлиги Охунжоннинг қўшиқларига алоҳида бир фазилат бағишлайдики, бу билан у ўзининг санъаткор тенгқурларидан ажралиб туради. Шунинг учун унинг овози янграши биланоқ ҳамма ишимизни йиғиштириб қўйиб ойнаи жаҳонга термуламиз, радио ёнида михлангандек туриб қоламиз.

Яқинда пойтахтимиздаги В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройида Охунжон Мадалиев ўзининг қўшиқлар гулдастасини томошабинларга тақдим этди. Шу баҳонада биз у билан учрашдик.

— Охунжон, қўшиқ шайдолари ҳаётингиздаги ҳар бир воқеа-ҳодисани билишни истайдилар, уларга таржиман ҳолингиз ва санъатга кириб келишингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— 1963 йили Фарғона вилоятидаги Олтиариқ район Янгиараб қишлоғида туғилдим. Оиламизда тўрт нафар опаларимдан сўнг зориқиб кутилган ўғил эканман. Шуни айтиб қўяйки, бу менга кейинчалик ҳеч қандай имтиёз бергани йўқ. Оиламиз оддий деҳқон оиласи бўлганлиги сабабли опаларим билан баб-баравар меҳнат қилардим. Улардан меҳнатсеварликни, ҳар бир юмушни ўз вақтида бажаришни ўргандим.

Қишлоғимиздаги 9-ўрта мактабга, ўқиган кезларим ҳаваскорлик тўгарагига ҳам қатнашиб, ўзимча нималарнидир хиргойи қила бошладим. Қишлоқ боласининг бўш вақти бўлмаслигини яхши биласиз. Дарсдан сўнг далага сигир-қўйларимизни ўтлатгани олиб чиқардим. Ўша пайтлари Ўзбекистон ССР халқ артисти Шерали Жўраев эндигина халққа танилиб келаётган эди. Ишонасизми, унинг қўшиқларини эшитганимда турган жойимда қотиб қолардим. Сигир-қўйларни боқаётганимда ҳам, синфдошларим билан ғўза яганалашга, пилла теришга ёрдамлашганимда ҳам Шерали Жўраев ашулаларини тинглаб, сўнгра эса уларни ичимда такрорлардим. Хуллас, бу атоқли ҳофизнинг қўшиқларини эшитиб улғайдим.

Ўрта мактабни тугатгач район марказидаги мусиқа мактабида таълим олдим. Сўнгра 1981 йили Фарғона давлат педагогика олийгоҳининг мусиқа куллиётига ўқишга кирдим. Ана-мана дегунча талабалик йилларим ҳам ортда қолди. Олийгоҳни битиргач мактабларда ашула ўқитувчиси бўлиб ишладим. Кейин вилоят филармониясига хонанда бўлиб ўтдим. Айни пайтда райондаги «Зилола» ансамбли билан ҳам ижодий ҳамкорликни давом эттирдим. Шу орада мени «Камолот—89» танловига тавсия этишди.

— Сиз жумҳурият даражасига қадар ҳам Фарғонада анча таниқли эдингиз, «Шерали», «Охун», дейишса ўзини томдан ташлаб юборадиган мухлисларингизнинг айтишича, тўртта қўшиқ шинавандаси бир жойга тўпланса ашулаларингиз ёзилган магнит ленталарини қўйишаркан. Бу энди анча бурунги гаплар. Айтиш мумкинки, «Камолот—89» сизни бутун жумҳуриятга танитди. Ана шу катта беллашувга қандай тайёргарлик кўрган эдингиз?

— Ростини айтсам, бу ижодий баҳсдан анча чўчидим. Кўнглимда агар ижодий баҳсда муваффақиятли иштирок эта олмасам ҳамқишлоқларимнинг кўзига қайси юз билан қарайман. Яхшиси рад эта қолай деган ўйлар ҳам келди. Бироқ бу иккиланишим кеч эди. Шунинг учун жиддий тараддуд кўрдим. Бунда шоир Муҳаммад Юсуфнинг «Кўнглимдаги ёр» шеърини куйладим. Ғолиб бўлишим аслида хаёлимга ҳам келмаган эди.

— Сиз қўшиқ учун ҳамиша яхши шеърлар танлайсиз. Бу ишда сизга бошқалар ёрдам берадими?

— Аввало ўзим шеъриятга жуда қизиқаман. Шунинг учун Муҳаммад Юсуф, Усмон Азимов, Сирожиддин Сайид, Қадам Саидмуродовларнинг муҳаббат мавзуидаги шеърларига қайта-қайта мурожаат қиламан. Уларнинг ўзлари билан ҳам суҳбатлашиб тураман. Чунки муҳаббат инсонни эзгуликка чорлайди. Бундан ташқари мен билан доимий ҳамкорликда ишлайдиган ажойиб мусиқачи Шуҳратжон Аҳмедовнинг хизматларини таъкидлаш жоиздир. Махсус мусиқа билим юртини тугатган бу йигитни мутақаббил ғазаллару, бугунги шеъриятнинг билимдони деса бўлади. Ўзи ҳам шеър ёзади. «Дилбар», «Шерали», деб номланган шеърларини қўшиқ қилиб айтганман. Шунингдек, созандалардан Иқбол Юсупов, Шокир Мўминовлар билан бирга ўзим ҳам мусиқа яратаман. Аравани ҳаммамиз биргалашиб, энг муҳими бир томонга тортганимиз туфайли ижодий аҳиллигимиз ортиб бормоқда.



— Устозингиз, истеъдодли хонанда Қиличбек Тожиевнинг қайси фазилатларини қадрлайсиз?

— У киши ҳақида қанча гапирсам оз. Унинг самимийлиги, ҳаммага бирдек муомала қилиши менга жуда ёқади. Шунинг учун ҳам ўғлимнинг исмини Қиличбек қўйганман. Устозим мен учун ҳаётда ибрат. Аввало Қиличбек акам мени район ва вилоят доирасида ўтказиладиган тадбирларга етаклади. «Бу йигит Охунжон Мадалиев бўлади» деб концертларда томошабинларга танитди, кези келганда энг нуфузли кўрик-баҳсларга тавсия этди, оқ-қорани ажратишга ўргатди. Хуллас, мен унинг олдида бир умр қарздорман. Ҳозир ҳам икковимиз Олтиариқдаги ҳунар-техника билим юртида муаллимлик қиламиз.

— Қўшиқ шинавандалари сизнинг оилангиз билан ҳам қизиқишади, албатта.

— Дадам, бувим кексайиб қолишган (умрлари узоқ бўлсин). Болалигимда мени юлиб-ялқаб эркалайдиган опаларим ўзларидан кўпайишиб катта-катта оила бекаси. Ўзим ҳам Хуршида, Хумора ва Қиличбек исмли фарзандларимга отаман. Турмуш ўртоғим ҳамшира бўлиб ишлайди.

⊙ Хонанда билан суҳбатимиз ҳали-вери тугамасди. Лекин уни зудлик билан телестудияга чақириб қолишди. Ярим соатдан кейин намойиш этиладиган «Водий тароналари» деб номланган концертда қатнашиши лозим экан. Унга ижодий омадлар тилаб, хайрлашдик.

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,
Адолат НОСИРОВА.

⊙ Ўзбекистонда 250 миллион йил илгари ўчган вулқонларнинг отилган ўрни ва уларнинг маҳсулотлари (тоғ жинси қатламлари) сақланиб қолган. Лекин америкалик геолог Роберт Тиллинг «Вулқонлар ҳеч қачон ўчмайди, фақат чуқур уйқуда бўлади», дейди. Уларни уйғотиш учун маълум бир ташқи ва ички табиий кучлар таъсир кўрсатиши мумкин. 1989 йилга келиб ер юзидаги 600 та вулқон уйғонди.

КЎП йиллардан сўнг 1989 йилнинг бошида Гватемала пойтахти яқинидаги Пакая вулқонига ҳам «жон» кирди. Яъни ўз фаолиятини қайтадан бошлади. Оқибатда мамлакатнинг кўпгина қисми, ҳатто қўшни Сальвадор ва Гондураснинг баъзи жойларини вулқон кули босди. Унинг қурум аралашган тутуни икки километр юқорига кўтарилди.

Олимлар бу ҳодисани заминдаги тектоник жараённинг фаоллашуви билан боғламоқдалар. Шу сабабдан Марказий Америка қитъасида вулқон билан бир қаторда зилзилалар ҳам тез-тез юз бермоқда. Бундай жараён оқибатларига компаниясига қарашли танкердан оққан нефть Аляска қирғоқларини қоплади. Бу Америка тарихида энг катта ҳодиса эди. Компания эса 1,7 миллиард доллар зарар кўрди.

⊙ 1985 ЙИЛДА Антарктида осмонидаги озон пардасида кутилмаганда дарча пайдо бўлди. Дарча кенгайиши давом этмоқда. Шу муносабат билан 1987 йилда 24, 1989 йилда 36 та давлат бу пардага салбий таъсир кўрсатувчи фреон (хлор, фтор, карбон бирикмаси) газ ишлаб чиқаришни секин-аста камайтириб 50 фоизга тушириш кўзда тутилади. 2000 йилда эса бу моддани бутунлай чиқармасликка даъват этилмоқда.

⊙ 1988 ЙИЛИ СССРда 139.000 та ёнғин юз берди, ундан кўрилган зарар 3 миллиард сўмга етди. Ёнғинлар натижасида 8504 одам ҳалок бўлди. 47.000 бош мол нобуд бўлди. Ўтган йилнинг биринчи ярмида эса 70.049 та ёнғин бўлгани қайд этилди. Зарар эса 196,7 миллион сўмни ташкил этди, 4730 киши ўлди.

⊙ ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА эса 1989 йилнинг дастлабки олти ойида 10.480

Табиатнинг жиловсиз кучлари

«Уйқу»даги офат



Арманистон, Тожикистон ва Эрондаги зилзилаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бундан икки йил бурун Камерундаги НИОС кўли (вулқон ўпқонининг ўрни) остидан заҳарли газ отилиб чиққан эди. Оқибатда салкам 2000 одам ва кўпгина ҳайвонлар ҳалок бўлган. Бу йил мутахассис Ларнит фикрича мазкур кўлдан вулқон отилиб чиқиши эҳтимоли бор.

⊙ ИНДОНЕЗИЯ ҳукумати Макиан оролидаги 15 минг аҳолининг ҳаммасини бошқа жойга кўчириш тўғрисида фармон чиқарди. У ердаги Кибесси вулқонининг отилиш хавфи пайдо бўлганди ва мазкур оролнинг бутунлай портлаб кетиши башорат қилинган эди.

⊙ 1989 ЙИЛНИНГ июнь ойида АҚШнинг Ньюпорт шаҳрига яқин жойда Греция кемаси сув ости тоғига урилди. Кемадан денгизга салкам 6 миллион литр нефть оқиб тушди. Сув юзида ҳосил бўлган «қора доғ» 52 квадрат километр майдонни эгаллади. Шу куннинг узида Хьюстон (АҚШ) каналида икки кема тўқнашди; 1 миллион литр нефть пардаси сувни қоплади. Шу воқеанинг эртаси куни Филадельфия (АҚШ)да Уругвай кемаси қирғоққа урилди ва 6 миллион литр нефть исроф қилинди.

⊙ ҲИНДИСТОННИНГ талайгина вилоятларини катта тошқин туфайли сув босди. Уттар-Прадеш, Бихар, Ассам штатлари энг оғир аҳволда қолди. Офат натижасида салкам бир миллион киши бошпанасиз қолиб, 2 минг қишлоқ хонавайрон бўлди. Ўлганлар бор. Экиндан келган зарар 2,2 миллион рупийга етди.

⊙ ЎТГАН ЙИЛНИНГ биринчи ярмида фақат Шимолий денгиз флотида сувости кемалари икки марта йирик аварияга учради. Ўша йилнинг дастлабки уч ойида океан йўлларида учта йирик фалокат юз берди. Натижада 800.000 литр нефть сувга оқиб кетди. «Экссон» жойда ёнғин содир бўлди, ундан кўрилган зарар 7,5 миллион сўмдан ортди.

⊙ ХИТОЙНИНГ шимоли-шарқ ва шарқ томонидан (асосан Фуцзянь ва Чжецзян вилоятларида) жала, тошқин ва сурилмалар оқибатида 140 киши ҳалок бўлди. Бир ой ичида сувда ғарқ бўлганлар сони 1,5 мингдан ортди. Бу даҳшатли довул «Умид» номи билан машҳур бўлди.

⊙ МЕКСИКАНИНГ шарқий қисмида қурғоқчилик авж олди. Натижада 106 минг гектар ердаги ўрмон ёниб тамом бўлди. Ёнғин 5 ой давом этди. Олов қамраб олган чакалакзор майдони 2 минг гектарга етди. Оқибатда жуда кўп маймунлар, ёввойи чўчқалар, тимсоҳлар, илонлар ва қушлар қовурилди. Каркун аэропорти ёпилди, чунки уни қора тутун қамраб олганди.

⊙ СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. Мигулин июнь ойида (1989) «Неделя» рўзномаси мухбири билан бўлган суҳбатда Вологда осмонида кузатилган ҳодисани табиий, деб таъкидлади. У ерда бошқа сайёра саёҳатчилари махсус кемада парвоз этган дақиқалар ерли халқ диққатини ўзига тортган эди. Бундай ажойиботлар айниқса 1989 йилда тез-тез содир бўлди, дейилади матбуотда. Аммо шу соҳа мутахассиси Е. Б. Александров «Правда» мухбири билан бўлган суҳбатда бу ҳодисага шубҳа билан қарашни маълум қилди.

⊙ ТАБИИЙ офатлар халқ хўжалигига келтираётган зарарига қараб турли ўринларга бўлинади. Биринчи ўринда сув тошқини (40 фоиз), ундан кейин тропик циклон (жала)лар (20 фоиз), учинчиси — зилзила (15 фоиз) ва тўртинчи ўринда қурғоқчилик (15 фоиз) туради.

Қўзибой ҚОРАБОЕВ,
геология-минералогия фанлари номзоди.



⊙ ҚАНОТЛИ ДЎСТЛАРНИНГ ЁШ МУХЛИСЛАРИ.

Оилангизда фарзанд туғилди

ГЎДАК НЕГА СЎРҒИЧ СЎРАДИ?

⊙ Ҳар бир ота-она нуридийдаси бўлган фарзандида гўзал хулқ ва фазилатларни шакллантиришни истайди, албатта. Оналар фарзанди чақалоқлик ва гўдаклик чоғидаёқ бармоқ сўриш, чойшабини юлқаш, тилини чайнаш, соч толаларини бураш каби одатларни намоён қилишининг шоҳиди бўладилар. Бу одатлар, ташқаридан қараганда хунук кўринади.

ХЎШ, гўдакнинг сўрғич сўриши фойдалими? Тажрибали шифокор ва ота-оналарнинг кузатишларидан маълум бўлишича, сўрғич эмадиган чақалоқ кейинчалик бармоғини онда-сонда сўради. Яна сўрғич сўришга одатланган болаларнинг кўплари то бир-икки ёшга киргунича сўрғич эмишни давом эттиради, уларнинг баъзилари ҳатто уч ёшгача сўрғич эмади. Баъзи ота-оналарга бу хунук туюлиши мумкин. Улар ҳатто бармоқ сўришга нисбатан сўрғични ёмон, деб ҳисоблашади. Аслида бу кишининг дидига боғликдир. Зотан, сўрғич бармоқ сўришга нисбатан анча афзалликларга эга. Бармоғини уч ойлик чоғидан сўрадиган кўпчилик болалар 1—2—3 ёшида ҳам сўришни давом эттираверишади. Бола фақат уч ва олти ёш ўртасида бармоқ сўриш одатини аста-секин ташлай бошлайди. Баъзи болалар олти ёшга кирганидан кейин ҳам бармоғини сўриши мумкин. Туғилган кунидан бошлаб сўрғич эмган болалар бундай болаларнинг қарама-қаршиси бўлиб, уларнинг ярми уч ойлик билан олти ойлик даври ўртасида сўрғични эммай қўяди.

Сўрғични болага куннинг қайси вақтида берган маъқул, деган савол туғилади. Одатда бола бармоғини, кийимини, қўли билан ушлаб олган ҳамма нарсани оғзи билан излаган ҳолда сўришга интилган пайтда унга сўрғич бериш мумкин. Гўдак ҳаётининг дастлабки ойларида, фақат эмизгунга қадар ва эмизилганидан кейин уйғоқ ётади. Айнан мана шу пайтда болага сўрғич бериш мумкин. Мабодо гўдак бир эмизиш билан иккинчи эмизиш оралиғида ухламай ётса ҳам, унга сўрғич беринг. Дастлабки уч ой ичида сўрғични имкони борича тез-тез бериш лозим. Ана шунга амал қилинса, боланинг эмиш интиқлиги қондирилади ва сўрғични эмишдан эртароқ воз кечади.

Болалар шифокорларининг маслаҳатига кўра, гўдакнинг кўзи уйқуга кетаётганида ёки ухлаши билан, агар у қаршилик кўрсатмаса, оғзидан сўрғичини олиб қўйган маъқул. Бунинг иккита сабаби бор. Одатда оғизда сўрғич билан ухлашга одатланган бола, уйғонганида оғзидаги сўрғичи тушиб кетса йиғлайди. Бундан ташқари, мабодо гўдак оғзида сўрғич билан ухлашга ўрганган бўлса, бир неча ойдан кейин жудаям уйқуси келаётган бўлса ҳам, барибир сўрғичсиз ухлай олмайдиган бўлиб қолади, бу эса унинг сўрғични жуда кеч ташлашига сабаб бўлиши мумкин.

Одатда икки ёшга кирганидан кейин ҳам сўрғичдан ажралишни хоҳламайдиган болалар кўп учрайди. Бундай болани сўрғич эмиш одатини ташлашга мажбур этиш ярамайди: Бола агар сўрғичини беришларини ёлвориб сўраётганида, қўлидан зўрлик билан тортиб олиш ёки унга бермаслик, ёки ёлғондан йўқотиб қўйган қилиб кўрсатиш яхши натижа бермайди. Болага сўрғич эмгани учун зарда қилиш ва уни масхаралаш ҳам ярамайди. Бошқача сўз билан айтганда, болага ушбу одатини ташлаб, янги ижобий одатлар ҳосил қилишида ёрдам бериш керак. Лекин сўрғичини олиб қўйиб, уни изтироб чекишга мажбур этиш яхши бўлмайди.

Ҳар бир она гўдакнинг биринчи тишлари чиқаётган даврида бола сўрғичига эътибор бериши лозим. Мабодо сўрғичи эски бўлса, бола уни тиши билан тишлаб олиши ва чайнаши, каттароқ бўлаги ичига кетиб қолса, болага тиқилиб қолиши мумкин. Шунинг учун бола тиши чиқаётган пайтида сўрғичини янгилаб туришга эътибор бериш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир она эмиш ҳолатининг ўзига хос хусусиятларидан яхши бохабар бўлгани ҳолда, гўдак ҳаёти режимини тўғри уюштирса ва сўрғичдан оқилона фойдаланиш қоидаларига риоя қилса гўдак соғлом, гўзал хулқ-одатлар соҳиби бўлиб камол топади.

Робия ТЎРАХОНОВА,
психология фанлари номзоди, доцент.

Эртак сеҳри

НАВОИЙ номидаги ўзбек Давлат академик Катта театри саҳнасида таниқли француз композитори Жак Оффенбахнинг «Гофман эртаклари» номли опера премьераси бўлиб ўтди. Опера Мухтор Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси қошида ташкил этилган «Мусиқа» студияси томонидан тайёрланган.

Спектакль Карре Мишель ва Жюль Барьбе либреттоси ҳамда Э. А. Гофман новеллалари асосида саҳналаштирилган бўлиб, уни қўйиш ва ижро этишда консерваториянинг ўқитувчи ва талабалари фаол қатнашдилар. Ўзбекистон ССР халқ артисти, профессор А. Абдуқаюмов дирижёрлик қилди. Спектакль томошабинларга манзур бўлди.

Дония ЗОКИРОВА.

Бадиий адабиётда



⊙ Ўзбек адабиётида энг биринчи шеърий роман Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони. У 5782 байтдан иборат. Ҳозирги ўзбек совет адабиётида биринчи шеърий романлар: «Зиёд ва Адиба» (Мирмуҳсин), «Бир савол» (Ҳ. Шарипов).

⊙ Ақл ёшда эмас, бошда, дейишади халқимиз. Зеро энг истеъдодли, энг талантлилар ёшлигиданоқ асарлар ёзишган. Усмон Носир «Норбўта» асарини — 20, «Нахшон»ни — 22 ёшида, Эркин Воҳидов «Буюк ҳаёт тонги»ни — 24, Сайёр «Бошсиз ҳайкал» достонини — 26 ёшида ёзган.

⊙ Ҳозирча адабий тахаллуслар, шажара тахаллуслардан 430 таси маълум. Жумладан, устоз Садриддин Айний 20 — 30-йилларда вақтли матбуот саҳифаларида Айн, Ёлғончи, Муғомбир, Бигиз, Муҳтожий каби йигирмага яқин тахаллуслар билан фельетонлар, танқидий мақолалар, шеърлар, ғазаллар, ижод этишга муваффақ бўлган. Шунингдек, 18 ёшидан бошлаб (1895) ягона «Айний» тахаллусини қўллай бошлаган. Муаллифнинг таъкидлашича, «Айн» сўзининг ўзи 48 хил маънога эга экан. Энг муҳимлари чунончи, кўз, булоқ, офтоб, олтин ва бошқалар.

⊙ Пушкин ўз асарларида 21197, Шекспир 20000 тача, Сервантес 18000 тача, Абдулла Тўқай 14 минг, Абай эса 6 минг сўз қўллаган. Алишер Навоийчи! Масалан, шоир биргина «Фарҳод ва Ширин» достонида 5431 сўз ишлатган. Унинг барча асарларида бир миллион уч юз етмиш саккиз минг олти юз олтмиш етти сўз ишлатилган.

⊙ 18 ёшидаёқ машҳур шоир сифатида танилган ўзбек халқ бахшиси Эргаш Жуманбулбул ўзбек совет адабиётида энг биринчи бўлиб 20-йилларда доҳий В. И. Ленин образини яратди. Унинг «Ўртоқ Ленин» достони энг яхши асарлардан бири бўлиб қолди.

Биринчилар...

⊙ Профессор Азиз Мақсудов, Илёс Фозилов ўзларини болалар саломатлигига бағишлаган биринчи ўзбек шифокорларидир.

⊙ Юқумли касалликлар бўйича биринчи марта маъруза ўқиган шифокор Абдулла Зоҳидовдир.

⊙ Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач Мирза Мирсоатов — биринчи ўзбек врачи. Чех ёзувчиси ва журналисти Юлиус Фучик 1935 йилда у ҳақда очерк ёзган.

⊙ Маннон Уйғур — ўзбек совет театрининг асосчиларидан бири, биринчи профессионал режиссёримиз.

Анвар МИРЗАЕВ
тайёрлаган.

Болалар боғи

⊙ Рауф Толиб — болаларнинг қувноқ ва севимли шоири. Унинг «Омон боғ», «Юрт меҳри», «Миржамол нега лол» каби ўндан ортиқ шеърий рисолалари, «Жирафанинг бўйни нега узун» эртаклар китоби ўқувчиларга яхши таниш. Рауф Толиб ҳозирда «Ғунча» журналининг масъул котиб. Қуйида унинг янги шеърларидан ёш оқшомхонларга ҳадя этдик.

Орани ким бузди?

Нор, Ҳасан — икки ўртоқ
Эдилар апоқ-чапоқ.
Нор, Ҳасан — икки ўртоқ
Бўлишяпти қир-пичоқ.
Ўртоқликни ким бузди,
Дўстлик ипин ким узди?
Айтинг, ўзи нима гап?
Икки ўртоқ нега чап?
Ким экан бошлаб иғво
Орага солган низо?
— Бошлаган тўс-тўполон
Учинчи ўртоқ — Ёлғон.

Қизалоқ кўнгли осмон

Яшнар, кулар ёз чоғда
Ҳаммаёқ, ҳаммаёқ.
Ўйнайди катта боғда
Қизалоқ, қизалоқ.
Қизалоқ кўнгли осмон,
Чарақлар, чарақлар.
Кел, ўйнаймиз, деб офтоб
Ярақлар, ярақлар.

Боғларни уйғотар қиз
Кулгуси, кулгуси.
Гул очади қалбида
Орзуси, орзуси.
Еллар чопиб юради
Изидан, изидан.
Ирмоқлар олар оҳанг
Сўзидан, сўзидан.

Юзидан олгандир ранг
Қизғалдоқ, қизғалдоқ.
Оламга берган чирой
Қизалоқ, қизалоқ.

Рауф ТОЛИБ.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Ҳафталик кўрсатувлар 18 июндан 24 июнгача

Душанба, 18

● ЎзТВ I

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Абитуриент-90». Кимё.
18.10 Болалар учун фильм. «Пушчик Прагага боради» (СССР — Чехословакия).
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Йилқилар». Телефильм.
20.00 Москва. «Время».
20.30 «Кўриб ўзни бир тоза бўстон аро...». Навоий сиймоси тасвирий санъатда.
21.05 «Ўзбекистон дея аталур». Телефильм.
21.15 А. Н. Островский номидаги Тошкент Давлат Театр ва рассомлик санъати институти битирувчиларининг концерти.
22.00 «Ахборот».
22.20 **Ўзбекистон ССР Олий Советининг II сессиясида.**

● ЎзТВ II

17.35 «Иш билан исботла». Телефильм.
18.05 «Қора қисқичбақа чангалида». Бадиий фильм (Рига киностудияси).
19.30 «Халқ истеъмоли моллари». Янгийўл мебель фабрикасининг тажрибалари ва муаммолари ҳақида (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.00 Москва. «Время».
20.30 Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Абдужалил Ҳошимов куйлайди.
21.15 «Она ва болакай».
21.30 «Давлат томонидан муҳофаза қилинади». Телефильм.
22.00 «Ахбор».
22.15 «Ҳикмати рўзғор».
23.05 «Тошкент». Телефильм.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Уруш». Олти серияли телевизион бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия). 1-серия.
9.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Бельгия — Уругвай терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.

* * *

12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

16.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
17.00 «Мангуликка айланган лаҳзалар».
17.35 Сиёсий мулоқотлар.
18.05 «Пульс-90». «Биз ва иқтисодиёт».
18.50 «Уруш». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
20.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
20.30 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
20.35 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.
20.55 «Мезон». Яна Маяковский ҳақида.
21.15 Катталар учун мультфильмлар: «Осойишталикда», «Сайёҳ».
21.25 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

00.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Камерун —СССР терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба, 18 июнь куни МТ II кўрсатувлари соат 17.50 дан бошлаб намойиш этилади.

● МТ II

17.50 Чувашия телевидениесининг программаси (Чебоксари).
18.35 «Мусаввир Ю. Селиверстов вертикали».
19.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Солдаги саргузаштлар».
19.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Кетдик» (Челябинск).
20.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
20.30 Н. В. Гоголнинг экранлаштирилган асарлари. «Бурун» («Экран»).

Сешанба, 19

● ЎзТВ I

11.30 «Сеҳрли ҳарфлар ороли». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
12.25 «Қора қисқичбақа чангалида». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Абитуриент-90». Она тили ва адабиёт.
18.10 «Петьканинг машқлари». Мультфильм.
18.30 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
19.00 «Рушана Султонова рақсга тушади». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
19.25 «Тижорат хабарлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Кулоллар». Телефильм.
20.00 Москва. «Время».
20.30 Ўзбекистон санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти. В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройидан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган).
22.00 «Ахборот».
22.20 **Ўзбекистон ССР Олий Советининг II сессиясида.**

● ЎзТВ II

17.35 «Абубакир». Телефильм.
17.55 Камер куйлари.
18.25 «Уйланиш». Бадиий фильм («Ленфильм»).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.00 Москва. «Время».
20.30 «Тожикистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади».
20.35 КПСС XXVIII съезди олдидан. «Нури зиндаги». Ленинобод шаҳри.
22.00 «Ахбор».
22.15 «Нури зиндаги» кўрсатувининг давоми.
22.50 «Куйбишев шаҳри». Телефильм.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Уруш». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
9.10 «Қувноқ болалик мамлакатида». Мультфильм.
9.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Камерун — СССР терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.

* * *

11.55 **Россия партия конференциясининг очилиши.**

* * *

16.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
17.00 Улуғ Ватан урушин ветеранлари хорининг чиқиши.
17.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Аргентина — Руминия терма командалари. Италиядан кўрсатилади.
20.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
20.30 Долзарб интервью.
20.40 «Уруш». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
21.55 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.
22.15 «Москва—Брюссель...».
22.45 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

00.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Италия — Чехословакия терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Аргентина — Руминия терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.
9.15 Ҳаракат хавфсизлиги учун.
9.20 Б. Николаев ижросида рус қўшиқлари ва романслари.

* * *

11.55 **Россия партия конференциясининг очилиши.**

* * *

16.35 «Деярли севги воқеаси». Бадиий фильм (Болгария).
17.45 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.
18.45 «Мушук Базилио ва сичқонча Пик». Мультфильм.
18.55 «Лиесма» рақсга тушади (Рига).
19.20 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
19.25 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биз Москва бўйлаб борардик...».
19.40 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Ореховода музей бўлиши керакми?» (Волгоград).
20.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
20.30 «Антон-квартет бизнинг студиямизда».
20.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. ГФР — Колумбия терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.

Чоршанба, 20

● ЎзТВ I

11.30 «Бир муҳаббат тарихи». Телефильм.
12.00 «Уйланиш». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Абитуриент-90». Биология.
18.10 «Кучук бола ва эски шиппак». Мультфильм.
18.20 Регби. СССР чемпионати. «Звезда» (Тошкент) — «Слава» (Москва). Репортаж.
19.00 «Яхшидан боғ қолади».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал.
20.00 Москва. «Время».
20.30 Ўзбек классик қўшиқларидан концерт.
21.10 «Тижорат хабарлари».
21.15 «Мусиқа ва замон».
22.00 «Ахборот».
22.20 **Ўзбекистон ССР Олий Советининг II сессиясида.**

● ЎзТВ II

17.30 «Диққат, стартга!» (рус тилида).
18.05 «Лайлак келди, ёз бўлди». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
19.30 «Давр тақозоси» (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.00 Москва. «Время».
20.30 «Эй, Бухоро, шод бошу дер зиҳ».
21.10 «Ҳаёти деҳот».
21.50 «Панди ниегон».
22.00 «Ахбор».
22.15 «Ҳаммаси меъёрида». Бадиий фильм.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Уруш». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
9.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Австрия — АҚШ терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.

* * *

12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

16.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
17.00 Ҳаракат хавфсизлиги учун.
17.30 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал.
18.45 «Уруш». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
20.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
20.30 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
20.35 Долзарб интервью.
20.45 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.
21.05 «Мюзикллар, мюзикллар».
21.35 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

00.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Бразилия — Шотландия терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Югославия — Бирлашган Араб амирликлари терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.
9.15 «Сибирь маневри». Телевизион ҳужжатли фильм (Иркутск).
9.45 «Зиёратчилар». Ҳужжатли фильм.
10.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Италия — Чехословакия терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.

* * *

17.00 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Светозар лавҳалари» (Киров шаҳри).
17.25 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
17.30 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.
19.15 «Вертикаль». «Театрдан икки қадам нарида...» Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Пермь).
19,45 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Мушук—баниқчи».
20.00 **Россия партия конференциясида.**

Пайшанба, 21

● ЎзТВ I

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Менинг бурчим...».
18.20 Болалар учун концерт.
18.55 «Алифбо сабоқлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Бир арслон ва тўққиз сиртлон». Катталар учун мультфильм.
20.00 Москва. «Время».
20.30 «Қоялар чорлайди». Телефильм.
20.55 Ўзбекистон Давлат телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ҳамшаҳарлар».
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

17.30 «Элегия», «Талваса». Телефильмлар.
18.20 «Тижорат хабарлари».
18.25 «Турналар учганда». Бадиий фильм («Мосфильм»).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.00 Москва. «Время».
20.30 «Тожикистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади».
20.35 «Классик алифбони ўрганамиз».
21.05 «Мен сен билан хайрлашмайман». Фильм-концерт.
21.35 «Позиция». КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қиламиз. Кўрсатувда Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ш. Д. Шобдолов иштирок этади.
22.00 «Ахбор».
22.15 «Санъат усталари». Композитор Хайрулло Абдуллаев.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Уруш». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
9.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Бразилия — Шотландия терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.
10.15 Илмий хабарнома.

* * *

12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

16.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
17.00 «Митя ва микробус». Мультфильм.
17.15 «50х50». «...16 ёшгача за ундан катталар» кўрсатувига илова.
18.50 «Уруш». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
20.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
20.30 Долзарб интервью.
20.40 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.
21.00 «Венада баҳор». Й. Штраус (Австрия телевидениеси).
21.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

00.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Ирландия — Голландия терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Швеция—Коста-Рика терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.
9.15 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан кўрсатилади.
9.45 Болалар учун фильм. «Хотирада қолсин деб». 1-серия (Одесса киностудияси).

* * *

16.00 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.
17.00 «Бу ғалати ой ёғдуси». Бадиий фильм (Рига киностудияси).
18.20 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.
19.05 «Бамида байрам». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Ашхобод).
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биз Москва бўйлаб борардик...».
19.45 Спорт ҳамма учун.
20.00 **Россия партия конференциясида.**
20.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Бельгия — Испания терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач— **Россия партия конференциясида.**

Жума, 22

● ЎзТВ I

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Касблар ҳақида ҳикоялар».
18.10 Болалар учун мультфильм. «Шоҳ Султон ҳақида эртак».
19.00 «БМТ тинчлик ва хавфсизлик учун курашда».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Асаблар ва ғазаблар». Катталар учун мультфильм.
20.00 Москва. «Время».
20.30 «Агар мўъжиза юз берса». Сафия Сафтарова.
21.05 «Одобнома».
21.20 «Навоийхонлик». Мусиқий кўрсатув.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Дийдор». Андижон вилояти Й. Охунбобоев номидаги мусиқий театр спектакли.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

17.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдошлар» (рус тилида).
18.20 «Аёллар». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.00 Москва. «Время».
20.30 «Симон яу фард». Ҳасан Ражабов — «Йўлбарс дараси» ўрмончиси.
20.50 «Болалар ҳам қўшиқ куйлашди». Телефильм.
21.15 «Навои най». Қурбонали Еқубов.
22.00 «Ахбор».
22.15 «Бани адам аъзои якдигаранд».
22.30 Бадиий фильм.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Уруш». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
9.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Англия — Миср терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.
10.15 «Дўстлик меридианлари». Бауман номли Москва олий техника билим юрти «Гаудеамус» ва Брауншвейг шаҳри (ГФР) «Камерата вокале» ёшлар хорларининг концерти.
11.00 «Ғолиблар».
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

16.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

17.00 «Чўл репортажи». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Қозоғистонда қўйчиликнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммолари ҳақида (Олмаота).
17.30 «Қўшиқни эслаб қол». Катталар ва болалар учун кўрсатув.
17.45 «Балерина кемада». Мультфильм.
18.05 Ҳужжатли фильм.
18.50 «Уруш». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия.
20.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
20.30 Долзарб интервью.
20.40 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.
21.00 Брэйн ринг. «Нима? Қаерда? Қачон?».
21.45 «Нигоҳ».
23.15 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Жанубий Корея — Уругвай терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.
9.15 Болалар учун фильм. «Хотирада қолсин деб». 2-серия.
10.20 Футбол. Жаҳон чемпионати. Ирландия — Голландия терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.

* * *

17.25 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.
19.10 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Чистая Чусовая» экспедицияси» (Свердловск).
19.35 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Каркушаниқига меҳмонга».
19.50 Коллаж (реклама, ахборот эълонлар).
20.00 **Россия партия конференциясида.**

Шанба, 23

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

*

10.00 «Ёз кунларининг бирида». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
11.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иқбол» (такрор.).
13.05 «Чорвадор» кўрсатуви.
13.35 «Сиз севган қаҳрамонлар». Кинокўрсатув.

Тижорат кўрсатувлари

14.35 «Вилоят машъали». Жарқўрғон ноҳиясидаги «Сурхон» совхози ҳақида.
15.05 «Уй-жой қурилиши муаммолари».
15.35 Пойариқ ноҳияси «Дилафрўз» ансамблининг концерти.
16.15 «Давр талаби». Самарқанд вилояти Иштиҳон ва Пойариқ ноҳиялари меҳнаткашларининг ибратли ишлари ҳақида.

* * *

18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ассалом, қуёш!». Болалар учун концерт.
18.50 «Насиба». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Оқшом эртаклари».
20.00 Москва. «Время».
20.30 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
21.00 «Дилдаги гаплар». Фарруҳ Зокиров билан учрашув.
22.00 «Ҳафтанома».
22.40 Телевизион миниатюралар театри.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савту калом». Боқи Раҳимзода шеърлари асосида адабий-мусиқий кўрсатув.
9.55 «Капитан Грантни излаб». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 5 ва 6-сериялар.

* * *

18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.25 «Болаларга мусиқа ҳақида».
18.55 «Маугли». Мультфильм. 4 ва 5-сериялар.
19.30 «Новости».
19.45 Кинолавҳа.
20.00 Москва. «Время».
20.30 «Тожикистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади».
20.35 Телефильм.
21.25 Нодар Думбадзе. «Қон». Теленовелла.
22.00 «Ахбор».
22.15 «Тавоно бувад, ҳар ки доно бувад...».

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Онам, дадам ва мен».
8.30 «Янгра, гармонь!». Қозондан кўрсатилади.
9.10 «Уруш». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия.
10.20 «Бурда моден» таклиф этади...
10.50 «Партнер». Тижорат хабарномаси.
11.20 «Стоп-кадр». Илмий-оммабоп киношарҳ.
12.20 Н. Губенко фильмлари. «Солдат фронтдан қайтди» («Мосфильм»).
13.50 Томошабинларнинг талабларига биноан интервью. Ёзувчи Сергей Залигин.
14.35 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.
14.55 Сиёсий мулоқотлар.
15.55 «Катталар — болаларга». Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунида Москвада ўтказилган ҳайрия акцияси.
17.15 «Халқаро панорама».
18.00 «КВН-90».
20.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
20.30 Халқ куйлари.
20.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/8 финал. Италиядан олиб кўрсатилади.
23.00 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг».
00.45 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

7.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
7.45 «Карусель». Телевизион бадиий фильм, субтитр билан.
8.55 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Ҳайқириқ». Ҳужжатли фильм премьераси. 1932— 33-йилларда қулоқликни тугатиш ва коллективлаштириш ҳақида.
9.25 Миллий баскетбол ассоциацияси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати.
10.25 «Совет Россияси» видеоканали.
13.00 «Ҳамдўстлик» видеоканали.
16.30 М. Ворфоломеев. «Пушти ранг қуш учарди». Телеспектакль. Премьера (Одесса).
17.30 «Биз яшаётган олам». Режиссёр М. Литвяков ҳужжатли фильмлари: «Тарбияси оғир болалар», «Хайр, Она», «Шундай сабаблари бор».
18.30 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Степа — денгизчи». Мультфильм. 1-қисм.
19.45 «Тисса қўшиқлари». Мусиқий телефильм (Венгрия).
20.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
20.30 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.
21.15 «Кержацк бурчаги». Телевизион ҳужжатли фильм (Свердловск).
21.35 Қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар программаси: «Шанба оқшомида», «Термометр», «Уч сўм» («Грузия-фильм»).
22.40 Ҳинд киноси мухлислари учун киноконцерт.
23.40 Тунги сеанс. «Олти кронли ревью». Бадиий фильм (Чехословакия).
00.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/8 финал. Италиядан олиб кўрсатилади.

Якшанба, 24

СОВЕТ ЁШЛАРИ КУНИ

● ЎзТВ I

ҲУРМАТЛИ ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ЁШ ИЖОДКОРЛАРИ ШУ КУНИ СИЗЛАРНИ «ЁШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ» КЎРСАТУВЛАРИНИ ТОМОША ҚИЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИЛАР.

Биз кўрсатувларимизнинг номларини, томоша вақтини атайлаб ёзмадик. Эрталаб соат 9.00 дан 15.00 гача ва бир оз танаффусдан сўнг ярим тунгача хоҳлаган пайтингизда телевизор мурувватини бурасангиз бас, шу пайтдан бошлаб Сизни ойнаи жаҳон олдидан кетказмасликка ёки телевизорни ўчириб қўймаслигингизга ҳаракат қиламиз.

* * *

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

*

20.00 Москва. «Время».

*

22.00 «Ахборот».

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот.
10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама.
10.15 «Офарин!». Қувноқ спорт ўйинлари.
11.15 «Капитан Грантни излаб». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия.

* * *

17.40 Кўрсатувлар тартиби.
17.45 Болалар учун бадиий фильм.
19.00 «Дўстлик кечаси». Совет ёшлари кунига бағишланади.
20.00 Москва. «Время».
20.30 «Шарқ юлдузлари». Амитабх Баччан (Ҳиндистон).
22.00 «Ҳафта». Информацион программа.
22.20 «Шашмақом» ворислари. Телевизион конкурс. Ўратепа шаҳри.
23.20 «Телетомошабин ҳамроҳи».

● МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун.
7.45 Ритмик гимнастика.
8.15 «Спортлото» тиражи.
8.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув.
9.30 «Ватан хизматида».
10.30 Тонгги дам олиш программаси.
11.00 «Дунё бўйлаб». Альманах.
12.00 «Здоровье».
12.45 «Дўстлик меридианлари». «Иво лола рибар» ансамбли рақсга тушади (Югославия).
13.20 «Бувимнинг соябони». Мультфильм.
13.30 «Уруш эшик қоққанда». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Улуғ Ватан урушида қатнашган Ўзбекистон аҳолиси ҳақида (Тошкент).
14.30 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурс кундалиги.
15.15 «Педагогика ҳамма учун».
16.45 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама.

Якшанба кинозали

18.00 «Қулоқсиз она». Мультфильм.
«Ҳайдовчи қаршисидаги шайтонча». Бадиий фильм («Озарбайжонфильм»).
20.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
20.30 «Абадият ҳақида ўйлар». Якшанба ўгитлари.
20.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/8 финал. Италиядан олиб кўрсатилади.
23.00 Оммавий куй янгиликлари.
00.30 Ҳужжатли фильм.
00.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/8 финал. Италиядан олиб кўрсатилади.

● МТ II

7.30 Зарядкага сафланинг!
7.45 Рус тили.
8.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/8 финал. Италиядан кўрсатилади.
10.15 «Инсон тақдири». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»).
11.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
12.00 «Реформа» жамғармаси.
12.05 «Қаҳрамоннинг рақси». ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрининг спектакли. Италиядан олиб кўрсатилади.
15.05 «Она-замин ташвишида» туркумидан. «Жарлик ёқасидаги репортаж». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Иркутск).
16.05 «Пиллапоялар бўйлаб юқорига». Спорт югуриши бўйича дастлабки мусобақалар ҳақида ҳужжатли фильм (Олмаота).
16.15 «Совет Россияси» видеоканали.
18.45 «Планета». Халқаро программа.
19.45 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Степа — денгизчи». Мультфильм. 2-қисм.
20.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
20.30 «Куйловчи Россия». Калинин шаҳрида Бутунроссия ҳаваскорлик хорлари конкурсининг якунловчи концерти.
21.55 «Қуёш барчага баробар нур сочади». Бадиий фильм («Мосфильм»).
23.25 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. 10094.
140.390 нусхада чоп этилади. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.